

Ижарага берувчи мажбур:

Ушбу шартномани имзолашдан олдин механизмлар, компонентлар ва агрегатларнинг ишлашини текшириб ижарага олувчига ТВ ни соз ҳолда топширишга.

ТВ белгиланган муддат вақт ичида, техник жиҳатдан соз ҳолатда қабул қилиш ва ўтказиш далолатномасига мувофиқ жиҳозланган ва ОСАГО (мажбурий суғурта) бўйича суғурталанган ҳолда бериш.

ТВ ижарага беришдан олдин ижарага берувчи шахс Шартноманинг (Илова №2)

асосан ЙУРИКНОМА утказди.

Ижарага берувчи ҳақли:

Ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ТВ нинг ишлаш қоидалари ва ижарага олувчи томонидан ушбу шартнома шартлари бузилган тақдирда ТВнинг қайтарилишини талаб қилиш.

Ижарага берувчи шартномада кўрсатилган вақт ичида ижарага олувчидан ҳар хил ҳолатлар юзасидан шубҳаланган тақдирда ТВни чакиртириб техник ҳолатидан хабардор бўлиши.

ТВни ташки ва ички қисми ифлосланганлиги сабабли уларни тозалашни талаб қилиш.

Ижарага олувчи мажбур:

Ушбу шартнома матни билан танишиш. Ушбу шартнома шартларига риоя қилиш, шунингдек ТВ ни фақат мақсадга мувофиқ равишда бошқариш.

Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш ва уларнинг бузилиши учун мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиш

Автомобилни ижарага олиш вақтида камчиликлари бўлса текшириб кўздан кечириб олиш.

Шартнома муддати тугагач, ТВга ўз вақтида қайтариш, ғилдираклар, эҳтиёт қисмлар, механизмлар, бутловчи қисмлар мотор ва ҳадавой қисимларини соз ҳолда топшириш, ТВни техник жиҳатдан яроқли ва тоза ҳолатда қайтариш.

Иш вақтида аниқланган автомобил носозликлари, шикастланиш ҳолатлари ва йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида ижарага берувчига дарҳол хабар бериш.

Ижарага олувчининг айби билан транспорт воситаси бузилган тақдирда, ижарага берувчига хабар бериб, ижарага олувчи ўз маблағлари ҳисобидан, ижарага берувчининг техник хизмат кўрсатиш станциясида таъмирлаш ишларини олиб боради. Истисно ҳолатларда, ижарага берувчининг рухсати билан бошқа ТХСларида таъмирлаш ишларини олиб бориш ва ТХС да турган ҳар бир кун учун ижарага берувчига ҳар кунлик тўловларни тўлаб бориши.

ТВни тоза ҳолатда ва ёқилги миқдори қабул қилингандан кам бўлмаган ҳолда қайтариш.

Ижарага берувчи йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги ҳақида маълумот олса ижарага олувчи томонидан жарималар ўз вақтида сўзсиз тўланиши агар жарималар ўз вақтида қопланмаса 3(уч) иш куни мобайнида ижарага берувчи томонидан депозит суммадан тўлашга ҳақли.

Депозит сумма 2.000.000 миллион сўм (икки миллион сўм) бўлиши шарт

Ижарага берувчига ТВ эгаси сифатида жавобгарликка тортиш ва ижарага олувчи томонидан ТВдан фойдаланиш вақтида ҳар қандай зарар етказилиши ТВдан

фойдаланганлиги сабабли учинчи шахсларнинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етгазиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай йўқотиш ва харажатларни қоплаши. ТВ тўлиқ зарарланган тақдирда, кўрсатилган миқдорда унинг нарҳини қоплаш.

Агар ижарага олувчи жиноят содир этса ва ижарага олинган ТВ жиноят иштирокчисига айланса, ижарага олувчи шахс, ижарага берувчи шахсга етказилаган барча сарф харажатни қоплаб беришга **МАЖБУР**.

Маст ҳолда ва бошқа маст килувчи дори воситалари таъсирида ТВ бошқариш

КАТТИЯН МАН КИЛИНАДИ.

Ижарага олувчи ҳақли:

Ижарага берувчининг айби билан нуқсонлар ёки носозликлар аниқланса, жойда бартараф етилишини талаб қилиш.

Шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилиш.

Шартномани имзолашдан олдин ТВ га тегишли бўлган ҳужжатларни таълаб қилиши шарт.

Ижарага олувчи кафолатлайди:

Ўзбекистон ҳудудида амалдаги йўл ҳаракати қоидалари билан танишган ва уларга риоя қилишни ўз зиммасига олади;

Ижарага олувчи ТВни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тегишли тоифадаги гувоҳномага эга бўлиши;

ТВда чекишга, кузов ва эшикларнинг бўёқлари, қопламалар ва ички жиҳозларнинг яхлитлигини бузадиган буюмлар ва нарсаларни олиб юриш, автомашинанинг эркин бошқарувига ҳалакит берадиган ва рухсат етилган максимал оғирликдан юқори бўлган нарса ва буюмларни олиб юришга йўл қўймайди.

ТВни автохалокатга учратган ҳолларда МЧЖ балансига 10.000.000 сўм миқдорда жарима тўлаб бериши лозим.

ТВ 100 км тезликдан ошса базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробар жаримага тортилади. ТВ. шартнома килиб берилган вақтдан олдин қайтарилса тулланган тулов суммаси ва ортиқча ёкилги қайтариб берилмайди.

Қўшимча

Бу дастурда сизнинг телефон рақам, исм, фамилия ва манзил ма'лумотларингиздан фойдаланишимиз мумкин.